Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 28 (479) 2021 йил 13 апрель, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Навоий вилоятининг Кармана туманида БААнинг “Masdar” компанияси томонидан Ўзбекистонда йирик қуёш фотоэлектр станцияси қуриляпти. Қуввати 100 МВт бўлган бу лойиҳа **110 млн** долларга бунёд этилади.

Фарғонанинг Фурқат туманида **300 млн** сўм ҳисобига зиё маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унга **400 млн** сўмлик китоб фонди жамланди.

Ургут туманида “SXF construction gpoup” компанияси **“Urgut mall”** йирик савдо мажмуасини қурди ҳамда 60 нафар етим болаларни ўз қарамоғига олди.

Франция шаҳарсозлик институти мутахассиси Эрик Ҳайбрехт ва ЮНЕСКОнинг маданий мерос объектларини ўрганиш бошқармаси эксперти Кристина Иямонди **Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий ёдгорликлар** ҳолатини ўрганмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 1 апрелигача республикамизда **27 709** та янги корхона ва ташкилотлар ишга туширилган. Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона-ташкилотлар сони эса **42 190** тага етган.

# ИНВЕСТИЦИЯ ВА ШАҲАРСОЗЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Тошкент шаҳрида 2021-2023 йилларда умумий қиймати 10,7 миллиард долларлик 1390 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва қарийб 98 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган. Жумладан, жорий йилда жами 4,1 миллиард доллар инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Биринчи чоракда пойтахтда 1,8 триллион сўмлик 130 та лойиҳа ишга туширилди ва 2 мингга яқин иш ўрни яратилди. Жумладан, саноат йўналишида 55 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 63 та, уй-жой қурилишида 12 та лойиҳа амалга оширилди.

Тақдимотда йил якунига қадар амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Мисол учун, Мирзо Улуғбек туманида йилига 110 минг тонна металлдан қуйма пўлат, арматура, угольник, швеллер каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этилади ва 200 та янги иш ўрни яратилади.

Йил якунига қадар қиймати 30 триллион сўмдан зиёд 847 та лойиҳани амалга ошириш ва қарийб 36 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида 2021-2023 йилларда 3 миллиард долларлик экспорт режалаштирилган. Жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 800 миллион доллардан зиёд бўлган саноат маҳсулотлари, қарийб 70 миллион долларлик мева-сабзавотни экспорт қилиш кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари режалаштирилган кўрсаткичлар билан чегараланмасдан, қўшимча лойиҳаларни кўпайтириш, экспорт таркибини диверсификация қилиш ва ҳажмини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда, шунингдек, Андижон шаҳри яқинида қурилиши режалаштирилган “Янги Андижон” турар жой массивининг бош режаси ҳақида ҳам маълумот берилди.

Андижон – мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган шаҳарлардан. Шаҳарнинг ўзида ривожланиш учун бўш жой йўқ.

Умумий майдони қарийб 4 минг гектар бўлган янги шаҳарнинг бош режасига кўра, у 1439 гектар турли қурилмалар, яъни уй-жой, савдо масканлари ва кичик саноат зонаси, 1820 гектар яшил ҳудуд, 223 гектарлик хизмат кўрсатиш ҳудуди ва 499 гектар йўллардан иборат бўлади.

Энг муҳими, бу массив аҳоли уйлари бўлмаган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бўш майдонда барпо этилади. Турар жой массиви қурилиши натижасида 411 минг нафар аҳоли яшаши мумкин бўлган янги шаҳарча пайдо бўлади.

Президент лойиҳа билан танишиб, уй-жойларни пухта ва сифатли лойиҳалаштириш, уни амалга оширишда маҳаллий мутахассисларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, унда имкон қадар кўпроқ яшил ҳудудлар, боғ ва хиёбонлар ташкил этилишини, аҳолининг дам олиши ва меҳнат қилиши учун қулай шароитларни назарда тутиш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ОНЛАЙН – УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон 14 апрель куни видеоанжуман шаклида учрашув ўтказадилар.

Тадбир кун тартибидан икки томонлама амалий шериклик ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Асосий эътибор Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини биргаликда илгари суриш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, икки мамлакатнинг етакчи корхона ва компаниялари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш, авиақатновларни тиклаш, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувларни ривожлантиришга қаратилади.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқадилар.

Саммит якунида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва таълим соҳаларига оид қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**ЎзА.**

Қурилиш вазирлигида

# Шахмат бўйича биринчилик ўтказилди

**Абдуҳамид АБДУРАҲМАНОВ,**
Қурилиш вазирлиги
Касаба уюшмаси раиси,
спорт тарғиботчиси.

**Президентимизнинг “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, вазирлик ва идораларда йилда икки марта шахмат мусобақасини ташкил этиш белгиланган эди. Вазирлигимизда мазкур қарор ижроси доирасида тизим ходимлари иштирокида шахмат бўйича вазирлик биринчилиги мусобақаси ўтказилди.**



Доимий иш шароити ва диққат талаб этадиган меҳнат фаолиятини юритаётганларнинг иш тартибини ўзгартириб туриш ёки янгиликлар киритиш билан меҳнат самарадорлигини ошириш мумкин бўлади. Шу мақсадда Қурилиш вазирлигида ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш, моддий рағбатлантириш, оммавий спортни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, футбол, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақаларини ўтказиш механизми доирасида вазирликнинг бошқарма ва бўлимлар ходимлари иштирокида шахмат мусобақаси ўтказилди. Айтиш жоизки, мазкур кичик турнир ўзаро ҳурмат ва дўстлик руҳида кечди. Унда Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси ходими Нодир Ходжаев биринчи ўринни, Кадрлар бошқармаси ходими Азизбек Шарипов иккинчи ўринни ва Ишлар бошқармаси ходими Ўзбекхўжа Асланов фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Яқинда спортнинг шашка ва мини-футбол турлари бўйича ҳам мусобақалар ташкил этиш режага киритилган.




**Суратда:** ярмаркадан лавҳа.
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# Наманганда бўш иш ўринлари ярмаркаси

**Наманган вилояти прокуратураси ташаббуси билан Бандлик бош бошқармаси томонидан Наманган шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.**

Ярмарка иштирокчиларига 249 та иш берувчи корхона, ташкилот, муассасалар томонидан 7538 та бўш иш ўринлари таклиф этилди.

500 га яқин фуқаро қатнашган ярмаркада 112 нафар кишига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Бундан ташқари, иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар орасида меҳнат бозорида мавжуд касбларга қайта ўқиш истаги бўлса, шу йўналишдаги ўқув марказларига йўлланма берилиши ҳақида тушунтирилди.

Ярмаркада фуқароларга меҳнат қонунчилиги, кооперативларга аъзо бўлиш, субсидия шартлари асосида иссиқхоналарга эга бўлиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлашиш, ишсизлик нафақаси олиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, ярмарка иштирокчилари тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ҳам кенг маълумотга эга бўлди.

# ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИДА нималар янгиланди?

**Акбар РАЖАБОВ,**
Қурилиш вазирлиги юридик бўлим бошлиғи.

**Кейинги йилларда республикамиз улкан қурилиш майдонига айланиб, соҳада амалга оширилган ишларнинг натижаси ўз ўрнида шаҳарсозлик фаолиятининг тартибга солинишида қонунчиликдаги бўшлиқларнинг мавжудлигини ҳамда уларни такомиллаштириш зарурлигини тақозо этди. Сўнгги тўрт йилда қурилиш соҳасини тартибга солувчи 10 га яқин Президент фармони ва қарори, Ҳукуматнинг 20 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди. Булар мавжуд қоидаларни ўзида акс эттирувчи, йўналиш белгиловчи, шаҳарсозлик соҳасидаги нормалар ўзагини ўзида мужассам этувчи қонунга эҳтиёж ва зарурият туғдиргани рост.**

Президентимизнинг “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талаби билан Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда Қурилиш вазирлиги томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, вазирлик ва идораларнинг 10 нафардан ортиқ вакиллари ҳамда мутахассислар ҳамкорликда иш олиб боришди. Ишлаб чиқилган Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси Интернет тармоғининг regulation.gov.uz сайтига (рўйхат рақами ID 2887) жойлаштирилди. Кодекс Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 8 ой муҳокама этилиб, депутатларнинг 30 дан ортиқ таклифига асосан 90 га яқин таҳририй ва техник тузатишлар киритилди.

Ўша даврда амал қилаётган Шаҳарсозлик кодекси 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, 7 боб ва 59 моддадан иборат эди. Янги кодекс эса 12 боб ва 85 моддани ташкил этмоқда. Яъни, унга янги 5 та боб ҳамда 26 та модда қўшилди. Шунингдек, 20 дан ортиқ моддага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Кодекснинг моддаларини қайта ишлаш ва янги нормаларини киритишда хорижий давлатлар, жумладан, Россия, Германия, Америка, Канада, Буюк Британия, Финляндия, Белоруссия, Қозоғистон, Озарбайжон тажрибаларидан фойдаланилди.

Кодекснинг янги таҳририда:

1) 3-моддасида янги “аҳоли пункти”, “объектлар турлари”, “урбанизация” ва бошқа ибораларнинг тушунчалари кенг ёритилди;

2) қурилишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий принциплари Кодекснинг алоҳида 4-моддасида ўз аксини топди.

Ушбу принципларнинг киритилиши аҳоли пунктларининг комплекс ва барқарор ривожланишини таъминлаб, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари масъуллигини оширади. Қурилишга рухсат бериш жараёнининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлайди, шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаб беради.

3) шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш юзасидан 6-моддага янги бандлар киритилди.

Жумладан, мазкур моддага тегишли бандларнинг киритилиши вазирлик ва идоралар фаолияти доирасида соҳага тегишли бўлган шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқишига таъсир кўрсатади. Қолаверса, қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришларни мунтазам равишда махсус ваколатли органга киритиб бориши натижасида, тегишли норма ва қоидаларнинг сифатли, ўз вақтида ишлаб чиқилиши таъминланиб, бюджет маблағлари тежалишига олиб келади.

2-бет

# Экспорт ҳажми ошмоқда

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Самарқандлик саноатчилар ўтган йили дунёнинг 53 та мамлакатига 350 миллион доллардан зиёд 528 турдаги маҳсулот экспорт қилишга эришган эди.**

Жорий йилда эса экспортёр корхоналар сафи кенгайиб, маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, чет элларга тайёр буюмлар чиқариш борасида дадил қадам ташланмоқда. Самарқанд шаҳрининг Фарҳод қўрғонида жойлашган “Kaplanser-Sam Carpet” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари айниқса диққатга сазовор. Жамият ишчилари 20 йилдан буён хорижга харидоргир гиламлар етказиб беришга муносиб ҳисса қўшаяпти.

– Маҳсулотимизга жаҳон бозорида талаб тобора ошиб бораётир. Зарур хомашёнинг бир қисми четдан келтирилаётгани ҳам бунда муҳим ўрин тутяпти. Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон каби давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани ютуқларга кенг йўл очмоқда. Айни пайтда Европа ва Осиёда янги харидорлар топиб ҳамкорлик ришталарини боғлашга интилаяпмиз. Бунинг учун имкониятлар етарли. Келгусидаги режаларимиз янада катта, – дейди корхона раҳбари Абдувоҳид Лутфиев. – Цехларни кенгайтириб, сўнгги русумдаги жиҳозлар ва станокларни ўрнатмоқчимиз. Янги дизайнлар яратишни бошлаганмиз.

Дарҳақиқат, корхонада Германия ва Туркиянинг замонавий технологиялари бир маромда ишлаб, кунига 25-30 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаш имкониятини яратяпти. 600 нафар ходим уч сменада фаолият кўрсатаётгани ҳам бу ерда ишлар яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.



**Суратда:** корхона фаолиятидан лавҳа.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№28 (479) 2021 йил 13 апрель

# ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИДА нималар янгиланди?

1-бет

Шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидан чекиниш зарурати вужудга келганда, махсус техник шартлар ишлаб чиқилиши ҳамда ваколатли давлат органи томонидан келишиб берилишини йўлга қўйиш орқали шаҳарсозлик фаолиятида республикамизга кириб келаётган янгиликларни тезкорлик билан амалда қўллаш, инвестиция муҳитини яхшилашга эришилади.

4) лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича янги моддалар (23-25-моддалар) киритилган бўлиб, мазкур моддаларда экспертларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, жумладан, ҳар бир эксперт берган хулосаси юзасидан қонун олдида жавоб бериши белгиланди.

5) қабул қилинган Кодексга қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишга тўғридан-тўғри таъсир этувчи нормалар ҳам киритилган бўлиб, улар янги 5-бобда (26-34-моддалар) ўз аксини топди. Бу моддаларнинг киритилиши буюртмачининг техник назорати мутахассислари, лойиҳа муаллифлари ҳамда пудрат ташкилотларининг масъулиятини оширади, юқори сифатга эришишига олиб келади. Бундан ташқари, қурилишни назорат қилиш турлари, қурилишни давлат томонидан назорат қилувчи инспекциялар, техник, муаллифлик ва ички назоратнинг ваколатлари белгиланмоқда.

6) аҳоли пункти бош режаларининг лойиҳаларида жамоатчилик муҳокамаси иштирокини таъминлаш мақсадида янги 9 та модда киритилди (35-43-моддалар). Мазкур нормалар шаҳарсозлик соҳасида қарорларни қабул қилишда фуқаролар фикрининг кенг ўрганилишини, муайян ҳудуддаги ижтимоий ва бошқа масалаларни ечишда жамоатчилик иштирокини, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаб, ортиқча маблағ сарфлашнинг олдини олади. Қолаверса, инсонлар норозилигига чек қўйилиб, соғлигини асрашга замин яратади.

7) шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги тақиқларни акс эттирувчи янги 44-47-моддалар киритилди. Жумладан, тегишли ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг қурилиш жараёнига ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишига аралашувига чек қўйилади.

Янги таҳрирда қабул қилинган Кодекс билан шаҳарлар, шаҳарчалар ва туман марказларида қурилиши тугалланган мавзелар, кўп қаватли турар жой микрорайонлари (даҳалар)нинг ҳудудларида тасдиқланган бош режаларда назарда тутилмаган ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, сервис хизмати кўрсатиш ва бозор инфраструктурасининг алоҳида турган объектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш ҳамда қуриш тақиқланади. Шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларида уч ва ундан ортиқ қаватли *(кўп квартирали)* уйларни қуриш тақиқланиши ҳам белгиланган.

Кодекснинг янги таҳририни қабул қилиш натижасида:

бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шаҳар чегаралари аниқлашнинг янги қонуний асослари яратилади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ишлаб чиқилишининг тартиби, муддатлари ва уларнинг йўналишлари белгиланади;

рақобатни ривожлантириш орқали инвестиция муҳити яхшиланади;

шаҳарсозлик соҳасида жамоатчиликнинг кенг иштироки таъминланади:

атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳолининг саломатлиги асралади;

яшаш ва фаолият муҳитини шакллантиришнинг комплекс шароитларини белгилашга имкон яратилади;

энг мақбул ва адолатли қарорлар қабул қилиниши таъминланади;

қурилишни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари яратилади;

лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларини республикадаги ва хориждаги энг замонавий тажрибалардан фойдаланган ҳолда олиб бориш учун ҳуқуқий асос шаклланади;

жамият ва давлатнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини амалиётда ифодалаш, ҳимоя қилиш механизми яратилади;

аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини кўтариш имконияти вужудга келади.



## Бухорода янги марказ ишга тушди

**Ҳасан БОБОЖОНОВ,**
Бухоро Архитектура ва қурилиш коллежи директори ўринбосари.

**Бухоро Архитектура ва қурилиш коллежи биноси негизида ташкил этилган қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**



Бу ерда 11 млрд сўмдан ортиқ маблағ эвазига қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ўқув-устахоналари зарур жиҳозлар ва ўқув жараёнида фойдаланиладиган махсус техникалар билан таъминланди. Янги марказ электргаз пайдванлаш, ғишт териш, сувоқ-бўёқ ишлари, керамик плитка ва брусчатка териш, алюмин, пластик эшик-дераза ромларини йиғиш, ўрнатиш, йирик девор панелларини ва гипсокартонларни монтажлаш, сантехника, сув, газ, канализация ва иситиш қувурларини монтажлаш, электромонтаж ишлари, кўтарма кран машинисти ёрдамчиси, ер ишлари техникаси оператори каби 14 та касб бўйича ўқув режа ҳамда дастурлари билан тўлиқ таъминланди.

Ҳозирда ушбу йўналишларда 300 нафар фуқаро ўқишга қабул қилинди. Улар уч ой давомида билим ва тажрибасини оширади. Шунингдек, 300 ўринли ётоқхона ва ошхона ҳам мавжуд бўлиб, тингловчилар 3 маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланади ва уларга стипендия ҳам берилади. Марказда хорижий тиллар, битирувчилар борадиган давлатнинг қонунчилиги, мигрантлар ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида маълумотлар ҳам бериб борилади.

Маросимда иштирок этган “Рекрутен Григорян” хорижий корхонаси раҳбари Мушег Григоряннинг қайд этишича, Россия, хусусан, Калининград шаҳридаги саноат корхоналарида зарур амалиётга эга бўлган фуқароларга талаб юқори. Бу каби марказлар айни шу жиҳатдан жуда қулай.





## Ширинободда ичимлик суви бўлади

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“Ozbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қашқадарёнинг Косон туманида ҳам ичимлик сув таъминоти энг оғриқ нуқталардан бўлиб келган.**



Тумандаги 70 та маҳаллада истиқомат қилувчи 290 минг 500 нафар аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланган ҳолати 30 фоизга ҳам етмас эди. Давлатимизнинг эътибори туфайли айни пайтда халқаро молия институтларининг 35 млрд сўмлик лойиҳаси асосида, туман марказидаги 24 та маҳалладаги аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланадиган бўлди.

Бугун ҳар бир ҳудудга ободлик ва фаровонлик олиб кираётган, “Обод қишлоқ” дастурига асосан тумандаги энг чекка ҳудудлардан саналган Ширинтепа ва Гулобод маҳаллалари аҳолиси ҳам тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади. Айни дамда 2 та ер ости қудуғи қазилиб, 24 километр масофада ишлар амалга оширияпти.

– Маҳалламизда 20 йилдан бери ичимлик суви бўлмаганди. Президентимиз ташаббусига кўра, қишлоғимиз дастур асосида тоза ичимлик суви билан таъминланаётганидан, янги-янги қурилишлар бунёд этилаётганидан жуда мамнунмиз, – дейди ширинтепалик Шодиёр Абдуалимов.

Наманганда дараклар

## Изчил ишга киришилди

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“Ozbekiston bunyodkori” мухбири.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йил февраль ойидаги ташрифи чоғида Наманган шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалласида бўлиб, бу ерда турмуш фаровонлигини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳақида аҳоли вакиллари билан суҳбатлашганди.

Ўтган даврда “Бунёдкор”да сезиларли ўзгаришлар юз берди. Ҳозир тоза ичимлик суви тармоғи тортиш ишлари давом этмоқда. Ички йўлларга шағал ёткизиш ва асфальтлаш, электр ҳамда газ узатиш тармоқларини янгилаш эса якунланиш арафасида.

Куни кеча яна бир муаммонинг ечими йўлида дастлабки қадам қўйилди. Яъни маҳаллада янги мактаб қурилиши бошланди. Таълим маскани 660 ўқувчига мўлжалланган.

## “Юксалиш”даги осмонўпар бино

“Юксалиш” – вилоят марказидан бироз олисдаги маҳалла. Аммо яқин орада Наманган шаҳрининг иқтисодий ривожланган ҳудудларидан бирига айланади.

Бу ерда қурилаётган кичик саноат зонасида ўнлаб корхоналар маҳсулот бера бошлайди. Ҳозир мазкур даҳада ўнга яқин кўп қаватли уй-жойлар қад ростламоқда.



“Дегрез қурилиш” МЧЖ бунёдкорлари ушбу даҳадаги дастлабки 16 қаватли турар жой биносини тиклашга киришди. У 96 оилага мўлжалланган шинам ва барча қулайликларга эга хонадонлардан иборат бўлади.

## Маҳаллада саломатлик кошонаси

“Келажак тонги” маҳалласида, сўнгги йиллар ичида аҳоли сони ўн минг кишидан ошиб кетди.

Бироқ мазкур ҳудудда тиббий хизмат кўрсатишда муаммолар бор эди. Мазкур масала ўз ечимини топадиган бўлди. Яқинда бу жойда янги оилавий поликлиника биносига тамал тоши қўйилди. У ишга тушса, бир кунда 250 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

## Ободлик кўнгилдан бошланади

**Умида МУРОДХОНОВА.**

**Ҳудудларни обод қилиш, атроф-муҳитнинг экологик барқарорлигини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш азалий қадриятимиздир. Мамлакатимизда “маҳаллабай” ишлаш бўйича янги тизимнинг жорий этилиши эса ана шу каби эзгу қадриятларни яна бир бор ўзида намоён этмоқда.**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан пойтахтимизнинг Миробод туманида амалга оширилаётган ишлар бунга мисолдир.

– Ҳудудни “маҳаллабай” ўрганиш асосида Миробод туманининг Салар маҳалласида кўплаб ободонлаштириш ишлари олиб борияпти, – деди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Абдурашид Содиқов. – Бу ердаги кўп қаватли уйларнинг фасад қисмлари мукаммал таъмирланиб, дарахтларга шакл берилди, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ва шаҳару қишлоқларида амалга оширилаётган бу каби эзгу ишларда аҳолининг жонбозлик кўрсатаётгани эътиборга моликдир.

## “Маҳаллабай” ўрганишлар самараси

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ёшларга доир давлат сиёсати асосида эртамиз эгаларининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган ислоҳотлар самараси ҳаётда ўз аксини топяпти.**

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги ишлар пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида ҳам кўзга яққол ташланмоқда.

– Туманда истиқомат қилаётган 48 минг аҳолининг 22 мингини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади, – деди Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги бош мутахассиси Жасур Эшқувватов. – 1 минг 689 нафар фуқаро “Ёшлар дафтари”да рўйхатга олинган. Шундан, 735 нафарининг бандлиги таъминланган бўлса, 165 нафари мономарказларда таҳсил оляпти. Жорий йилнинг ўтган даврида “маҳаллабай” ўрганишлар, ўтказилган амалий мулоқотлар натижасида 767 нафар ёшларнинг муаммолари ҳал этилди.

Туманда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида касб-ҳунарга ўқитиш маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда 309 нафар ёш 10 дан ортиқ мутахассислик бўйича таҳсил олмоқда. Муҳими, ўқиш бепул, стипендия ҳам жорий қилинган.

– Ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида Хумо маҳалласида истиқомат қилувчи “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган Наргиза Яхшибоевага кўп қаватли уйининг ертўласидан жой ажратилиб, тикув корхонасини ташкил қилиши учун шароит яратилди, – деди суҳбатдошимиз. – Эндиликда у ўзини ҳам, қўшни хотин-қизларни ҳам банд қилди. Йирик тикув корхонасида эса 500 нафар ёш иш билан таъминланган.

– Шу пайтгача ҳеч қаерда ишламаганман, – деди Гўзал Турдибоева. – 2-сектор раҳбарининг ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқотида иштирок этиб, тадбиркорлик қилиш истагим борлигини билдирдим. Сўнг 33 млн сўм имтиёзли кредит ажратилиб, жой топишда амалий кўмак берилди. Ҳозирда кредит маблағлари ҳисобидан 6 та тикув машинаси харид қилиб, турли сарпо ва пардалар тикишни йўлга қўйдим.

Туманда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва спортни тарғиб қилиш учун ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Барча мактабларда турли тўгарак ва спорт секциялари фаолият кўрсатади.

Дарҳақиқат, Янгиҳаётнинг илғор ва ташаббускор ёшлари ҳам Янги Ўзбекистоннинг ривожига, юксалишига муносиб ҳисса қўшишга қатъий аҳд қилишган ва бу йўлда изланишлар қилишмоқда.


## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Қибрай филиалининг 2021 йил 6 апрелдаги 07/843-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебинисо кўчаси, 7-уй манзилида сақланаётган, фойдаланишга яроқсиз, эскирган, фойдаланилмаётган қуйидаги мебеллар қўйилмоқда:**

1. Стол прис. 1400/700/70 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 786 600 сўм.
2. Стол раб. 1350*700/750 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 621 000 сўм.
3. Стол раб. 1400*700/750 8 дона. **Бошланғич баҳоси** – 598 000 сўм, **умумий баҳоси** – 4 784 000 сўм.
4. Стол раб. 1600*700/750 4 дона. **Бошланғич баҳоси** – 786 600 сўм, **умумий баҳоси** – 3 146 400 сўм.
5. Стол руководителя 2200/1000*780 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 4 600 000 сўм.
6. Тумба вык. 400*450*550 5 дона. **Бошланғич баҳоси** – 394 174 сўм, **умумий баҳоси** – 1 970 870 сўм.
7. Тумба под процессор 24 дона. **Бошланғич баҳоси** – 54 722,40 сўм, **умумий баҳоси** – 1 313 337,20 сўм.
8. Тумба под телевизор 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 920 000 сўм.
9. Тумба проц. 200/450/20 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 54 722,40 сўм.
10. Тумба тел. 1200/500/70 2 дона. **Бошланғич баҳоси** – 414 000 сўм, **умумий баҳоси** – 828 000 сўм.
11. Тумба тел. 1200/500/700 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 920 000 сўм.
12. Тумба телеф. 900/500 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 414 000 сўм.
13. Шкаф док. 800*450*1900 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 630 200 сўм.
14. Шкаф док. 800*450*1800 6 дона. **Бошланғич баҳоси** – 630 200 сўм, **умумий баҳоси** – 3 781 200 сўм.
15. Шкаф ком. 800*450*2000 3 дона. **Бошланғич баҳоси** – 794 880 сўм, **умумий баҳоси** – 2 384 640 сўм.
16. Шкаф ком. 120*45*180 5 дона. **Бошланғич баҳоси** – 966 000 сўм, **умумий баҳоси** – 4 830 000 сўм.
17. Шкаф нав. 800*450*550 6 дона. **Бошланғич баҳоси** – 794 880 сўм, **умумий баҳоси** – 4 769 280 сўм.
18. Шкаф од. 800*450*1900 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 794 880 сўм.
19. Шкаф од. 800*450*1800 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 794 880 сўм.
20. Шкаф одеж. 500*450*200 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 754 856,30 сўм.
21. Шкаф ячеек для ключей 1 дона. **Бошланғич баҳоси** – 138 000 сўм.

**Жами:** 39 236 865 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 17 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 14 май куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги асосий воситалар 2021 йил 17 май куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 2 ва 18 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиали, МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2021 йил 6 апрелдаги 26(477)-сонида чоп этилган эълон қуйидагича ўқилсин:

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида:**

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

## 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади!

## № 2

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2021 йил 13 апрель.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Хоразм вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июндаги 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Янги тартибга мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар қурилишида рейтинг тизимига кирган "СС" ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

5. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

| Хоразм вилояти |
|---|
| **Манзил:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10.<br>**Телефон:** 62-228-51-99.<br>**Факс:** 62-228-51-99. |

**6. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

"_______ вилояти, ________ тумани, ___________ массивидаги, ________ лот ____та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман." шаклида юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Хоразм вилояти |
|---|
| **Банк:** АТ "Ипотека банк" Хоразм филиали<br>**Ҳ/р:** 2021 0000 2037 5594 7001 **СТИР:** 202 503 592 |

**7. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказига;

**таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатигача;**

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

**кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;**

**квартиранинг бир квадрат метрининг (1 м$^2$) реализация нархи;**

**кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.**

**8. Танлов таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

| Хоразм вилояти |
|---|
| **Манзил:** Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 36/2-уй,<br>"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ<br>Хоразм филиали биноси.<br>**Телефон:** 62-228-51-99.<br>**Факс:** 62-228-51-99. |

**9. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Талаб этиладиган молиявий ресурс миқдори (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми м$^3$ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари м$^3$ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони м$^2$ |
| Беш қаватли 20 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 6 000 000 000 | 1 350 000 000 | 3 200 000 000 | 900 | 500 | 900 |
| Беш қаватли 30 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 7 500 000 000 | 1 650 000 000 | 4 000 000 000 | 900 | 850 | 1400 |
| Тўрт қаватли 24 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 7 200 000 000 | 1 620 000 000 | 3 900 000 000 | 1080 | 600 | 1080 |

**Лотлар рўйхати**

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | Тўрт қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Беш қаватли кўп хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишни охирги муддати | Конструкция типи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | хонадон | уй рақами | | |
| | **Жами** | | **1044** | | | | | | | | |
| 60-хор | Боғот тумани | "Оқ-тепа" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 11.00 гача | Ғишт |
| 61-хор | Боғот тумани | "Оқ-тепа" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 11.00 гача | Ғишт |
| 62-хор | Боғот тумани | "Оқ-тепа" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 11.00 гача | Ғишт |
| 63-хор | Боғот тумани | "Оқ-тепа" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 11.30 гача | Ғишт |
| 64-хор | Гурлан тумани | "Чинобод" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 11.30 гача | Ғишт |
| 65-хор | Гурлан тумани | "Чинобод" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 11.30 гача | Ғишт |
| 66-хор | Гурлан тумани | "Чинобод" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 11.30 гача | Ғишт |
| 67-хор | Гурлан тумани | "Чинобод" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 12.00 гача | Ғишт |
| 68-хор | Қўшкўпир тумани | "Ёвгур" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 12.00 гача | Ғишт |
| 69-хор | Қўшкўпир тумани | "Ёвгур" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 12.00 гача | Ғишт |
| 70-хор | Қўшкўпир тумани | "Ёвгур" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 12.00 гача | Ғишт |
| 71-хор | Қўшкўпир тумани | "Ёвгур" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 12.30 гача | Ғишт |
| 72-хор | Ҳазорасп тумани | "Зеҳнли" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 12.30 гача | Ғишт |
| 73-хор | Ҳазорасп тумани | "Зеҳнли" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 12.30 гача | Ғишт |
| 74-хор | Ҳазорасп тумани | "Зеҳнли" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 12.30 гача | Ғишт |
| 75-хор | Ҳазорасп тумани | "Зеҳнли" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 13.00 гача | Ғишт |
| 76-хор | Хонқа тумани | "Дўстлик" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 14.00 гача | Ғишт |
| 77-хор | Хонқа тумани | "Дўстлик" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 14.00 гача | Ғишт |
| 78-хор | Хонқа тумани | "Дўстлик" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 14.00 гача | Ғишт |
| 79-хор | Хонқа тумани | "Дўстлик" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 14.30 гача | Ғишт |
| 80-хор | Хива тумани | "Шомохулум" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 14.30 гача | Ғишт |
| 81-хор | Хива тумани | "Шомохулум" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 14.30 гача | Ғишт |
| 82-хор | Хива тумани | "Шомохулум" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 14.30 гача | Ғишт |
| 83-хор | Хива тумани | "Шомохулум" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 15.00 гача | Ғишт |
| 84-хор | Шовот тумани | "Қирғоқ бўйи" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 15.00 гача | Ғишт |
| 85-хор | Шовот тумани | "Қирғоқ бўйи" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 15.00 гача | Ғишт |
| 86-хор | Шовот тумани | "Қирғоқ бўйи" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 15.00 гача | Ғишт |
| 87-хор | Шовот тумани | "Қирғоқ бўйи" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 15.30 гача | Ғишт |
| 88-хор | Янгиариқ тумани | "Дўстлик" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 15.30 гача | Ғишт |
| 89-хор | Янгиариқ тумани | "Дўстлик" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 15.30 гача | Ғишт |
| 90-хор | Янгиариқ тумани | "Дўстлик" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 15.30 гача | Ғишт |
| 91-хор | Янгиариқ тумани | "Дўстлик" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 16.00 гача | Ғишт |
| 92-хор | Янгибозор тумани | "Ифтихор" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 16.00 гача | Ғишт |
| 93-хор | Янгибозор тумани | "Ифтихор" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 16.00 гача | Ғишт |
| 94-хор | Янгибозор тумани | "Ифтихор" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 16.00 гача | Ғишт |
| 95-хор | Янгибозор тумани | "Ифтихор" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 16.30 гача | Ғишт |
| 96-хор | Тупроққалъа тумани | "Обод" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 16.30 гача | Ғишт |
| 97-хор | Тупроққалъа тумани | "Обод" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 16.30 гача | Ғишт |
| 98-хор | Тупроққалъа тумани | "Обод" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 16.30 гача | Ғишт |
| 99-хор | Тупроққалъа тумани | "Обод" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 17.00 гача | Ғишт |
| 100-хор | Хива шаҳри | "Ангариқ" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 17.00 гача | Йиғма бетон, монолит каркас |
| 101-хор | Хива шаҳри | "Ангариқ" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 17.00 гача | Йиғма бетон, монолит каркас |
| 102-хор | Хива шаҳри | "Ангариқ" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 3 | 2021 йил 23 апрель, соат 17.00 гача | Йиғма бетон, монолит каркас |
| 103-хор | Хива шаҳри | "Ангариқ" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 4 | 2021 йил 23 апрель, соат 17.00 гача | Ғишт |
| 104-хор | Хива шаҳри | "Ангариқ" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 5 | 2021 йил 23 апрель, соат 17.00 гача | Ғишт |
| 105-хор | Хива шаҳри | "Ангариқ" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 6 | 2021 йил 23 апрель, соат 17.00 гача | Ғишт |
| 106-хор | Хива шаҳри | "Ангариқ" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 7 | 2021 йил 23 апрель, соат 17.00 гача | Ғишт |
| 107-хор | Хива шаҳри | "Ангариқ" МФЙ | 20 | | | | 1 | 20 | 8 | 2021 йил 23 апрель, соат 18.00 гача | Ғишт |
| 108-хор | Янгибозор тумани | "Дўстлик" МФЙ | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 23 апрель, соат 18.00 гача | Ғишт |
| 109-хор | Янгибозор тумани | "Дўстлик" МФЙ | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 23 апрель, соат 18.00 гача | Ғишт |
| 110-хор | Янгибозор шаҳарчаси | "Халқобод" МФЙ | 24 | 1 | 24 | 1 | | | | 2021 йил 23 апрель, соат 18.30 гача | Ғишт |

## ТУЗАТИШ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2021 йил 9 апрелдаги 27-сонида 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг таклифларни топширишни охирги муддати **2021 йил 10 май** ўрнига **2021 йил 19 апрель**, деб ўқилсин. Эълон матнида бошқа ўзгартиришлар бўлмайди.



**Қурилиш соҳасидаги тендер эълонларини мунтазам кузатиб боришни истасангиз, «O‘ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасига обуна бўлинг!**

**Тел.:** 71-244-21-71, 71-244-15-13.
**Факс:** 71-244-40-68, 71-244-05-15.
**Эл.почта:** uzbunyodkori@umail.uz

**Обуна индекси** 466

# Орзу-армонларни ушалтирган Ватан




**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Чиноз туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган комбинатда ўша кезлари аҳвол кун сайин оғирлашиб борар, дебитор ва кредиторлик қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетганди. Дастгоҳларнинг эскириб, талаб даражасида эмаслиги оқибатида маҳсулотлар сифатсиз, харидорлар ҳам шунга яраша эди. Ишчилар ўз вақтида маош олмагач, аксарияти ўз ҳисобидан таътилга чиқиб, корхонадан файз кетди. Ана шу жойда суяги меҳнатда қотган, ёш ва серғайрат Эркин Бобоёров ҳам бригадир вазифасида ишларди. Ташкилот тобора таназзулга юз тутаётгани ҳамда ҳамкасбларининг ҳар томонга иш излаб кетиши уни бефарқ қолдирмади. Нима қилса, муаммонинг олдини олиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб, имкониятларини чамалаб кўради.**

“Уйчининг ўйи битгунича, таваккалчининг иши битаркан”, деган ақидага амал қилган ҳолда ўн йил аввал “Эркин қурилиш барака” МЧЖ хусусий корхонасини ташкил қилади ва бригада аъзоларини қаватига олиб, мўъжазгина бетон тайёрлаш цехини ишга туширди. Маҳсулотининг сифатига жиддий эътибор қаратгани боис талабгорлар ортишига ва фаолиятини кенгайтиришга шароит яратди. Сарф-харажатлардан ортган маблағини ҳеч иккиланмасдан эшик-ром ҳамда шлакоблок ишлаб чиқариш цехи қуришга йўналтирди. Ёш тадбиркорнинг интилиши туфайли рўзғорига барака кираётган ишчилар ҳам уни ҳар соҳада қўллаб-қувватлаб туришди. Изланиш



ва ташаббуслар қилиш Эркиннинг бош мақсадига айлангани боис, ўзи сингари кишиларнинг тажрибаларини мукаммал ўрганишга астойдил киришди. Шу сабабли, қаерда қурилиш соҳасидаги янгиликни эшитса, эринмасдан бориб ўрганди, замонавийларини ўзида татбиқ қилди.

Шундай кунларнинг бирида газеталардан бирини варақлаётиб, давлатимиз раҳбарининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонига эътибор қаратади. Унда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳам белгилаб берилганди.

Мазкур дастур ўзи сингари кишиларнинг ишга масъулият билан ёндашиб, фаолиятини янада кенгайтиришга кенг йўл очиб берганини дилдан ҳис қилди. Дастур доирасида ишга киришган тадбиркор қурилишда дастлабки фаолиятини Чиноз тумани ИИБга қарашли профилактика инспекторларига замонавий лойиҳалар бўйича хизмат уйлари қуришдан бошлади. Икки йил оралиғида у бошқараётган жамоанинг меҳнатлари ҳисобига бир нечта шундай бино бунёд этилди. Бажарилган ишлар сифати туман ва вилоятдагилар эътиборини тортгани учун буюртмалар ҳам кўпаяверди.

Кейинги босқичда туман ХТБга қарашли 36-, 63-мактаблар мукаммал таъмирланди. Шунингдек, “Навоий”, “Янгиобод”, “Яллама” каби маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳар томонлама ихтисослашган ҚВПлар қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди. “Кўтарма” МФЙдаги ижтимоий инфратузилмани ислоҳотлар талаби даражасига келтиришнинг ўзи бўлгани йўқ. Боиси, узоқ йиллардан буён бу жойда аҳоли турмуш фаровонлигини шакллантириш юзасидан бирорта ўзгаришлар қилинмагани учун аҳоли тушкунликка тушганди.

“Ушовидан тушови қиммат” деганларидек, сарф-харажатлар катталиги сабабли ўтказилган бир неча тендерлар очиқлигича қолади. Таваккалчилик ҳам кези келса, яхшиликка бошлаши мумкинлигига ишонган бунёдкорлар ана шу маҳаллани замон талабига мослаштириш ишларини ўз зиммасига олиб, биринчи навбатда, кичкинтойлар учун 2-сонли, икки қаватли мактабгача таълим ташкилотини қуришга киришди. Қисқа муддатда уни битириб, маҳалла ёшларига стадион, мактабга эса спорт зали қуриб беришди. Жамият ишчилари томонидан қад ростлаган ўзини ўзи бошқариш идораси ва гузари, айниқса, шу жойдаги вақтинчалик ишсиз мақомини олган кишиларнинг доимий бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшганини кўпчилик эътироф этмоқда.

Айни пайтда қурувчилар туҳфа қилган савдо тармоқлари, тикиш-бичиш цехи, автомобилларга хизмат кўрсатиш устахонаси ва бошқа ихчам корхоналарда элликка яқин киши меҳнат қиляпти.

Ҳукуматимиз томонидан тадбиркор ва ишбилармонларга яратилаётган имкониятлар шарофати билан одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларига ечим топиб, ҳалол меҳнати орқали ўз ҳиссасини қўшаётган фидойилар юртимизда тобора кўпаймоқда. Ана шундай кишиларнинг ҳар бир хизмати, юртга фидойилиги доимо эътиборда.



Ўтган йили ёзнинг жазирама чилласи эди, аксига олиб, одамлар пандемия туфайли ваҳимага тушишган, ҳамма жойда карантин чекловлари авжига чиққан дамлар. Мана шундай шароитда ҳам белгиланган тартиблар бўйича Эркин Бобоёров раҳбарлик қилаётган жамият ишчилари Обод маҳалласидаги сўнгги юмушларни ўз муддатида ниҳоясига етказиш учун тинмай ҳаракат қилишар, раҳбарнинг ўзи ҳам четда қараб турмасдан, бинонинг пардозлаш ишларига кўмаклашаётган эди. Шу жараёнда уни туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари телефонга йўқлаётганини айтишади.

– Бошқа пайт бўлса, майлийди-я, лекин шу дамда нега керак бўлиб қолдим экан, – дея бироз оғриниб, хабарчининг қўлидан телефонни олади.

– Эркинжон, юксак мукофот билан табриклаймиз, ишларингиз янада ривожланаверсин.

Гўшакни қўйгач, у ҳайратдан лол қолди. Маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармонига кўра, “Шуҳрат” медали билан тақдирланган экан. Давлат раҳбари томонидан билдирилган юксак ишонч ва эътироф уни руҳлантириб, ўз соҳасида янада изланиш ва ташаббус кўрсатишга ундади.

Орадан кўп вақт ўтмай Чиноз тумани марказида илк бор янги лойиҳа бўйича умумий қиймати 24 миллиард сўмлик тўққиз қаватли турар жой биноси қуриладиган бўлди. Бунёдкорлик ишларининг ҳадисини олган тадбиркор тендерда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. “Орзу” турар жой мажмуаси номини олган мазкур объектда айни кунларда қурилиш жараёни жадал боряпти. Маҳаллий материаллардан қад ростлаётган бино кейинги йил охиригача тайёр бўлиши режалаштирилган. Бироқ бунёдкорлар мажмуанинг асосий қисмини шу йил битказишни ният қилишмоқда. Бунинг учун барча восита ва техника, ишчи кучи етарли эканини эътироф этишяпти.

– Давлатимизнинг юксак мукофотини кўксимга тақишганда кўп йиллар Чиноз туманидаги хўжаликлардан бирида бригадир вазифасида ишлаган, ўша даврда Олий Совет депутати бўлган марҳум отамнинг бир гапи қулоқларим остида жаранглаб турганини яширолмайман, – дейди Эркин Бобоёров. – Бир куни у киши эсини таниганидан буён қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиши, ҳар йили режаларни ортиғи билан бажаришса-да, ишчилар даромад олмагани, маҳаллалар харобага айланиб, ичимлик суви, газ ва кўчаларни асфальтлаш одамларнинг бир умрлик орзуси бўлганини куйиниб сўзларкан, “Болам, биз кўрмаслигимиз мумкин, аммо ҳали шундай кунлар келадики, дориломон замон бўлади”, деганларида бунинг мазмун-моҳиятини унчалик тушунмагандим. Мана, орадан йиллар ўтди, қор ва ёмғирлар марҳум отам сингари армонда кетган инсонларнинг босган изларини ювиб кетди. Лекин уларнинг орзуларини ҳеч ким, ҳеч нарса йўқотгани йўқ. Аксинча, истиқлол берган имкониятлар туфайли, айниқса кейинги йилларда нафақат бизнинг туман ёки маҳалламиз, балки республикамиздаги барча қишлоқ ва шаҳарлар ободонлашиб, янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини кўрсатяпти. Яратилаётган имтиёз ва имкониятлар туфайли уларни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этяпмиз. Мана шуларни ўйласам, падарибузрукворим айтган кунларни кўриб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётганимизга шукроналар айтаман, ҳар лаҳзада кучимга куч қўшилгандай бўлади, яна нималардир қилиб, одамларга наф келтиргим келаверади...

# Велосипедда саёҳат оммалашмоқда



**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“Ozbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги пайтда велосипедда саёҳат қилиш тобора оммалашмоқда. Чунки бу “машина” инсонни жисмоний жиҳатдан чиниқтиради, барча организмни ҳаракатга келтиради.**

Бухоролик Муҳаммад ота Қудратов велосипед ҳайдаш ишқибозларидан. Кўп йиллардан бери олис ва яқин масофаларга унинг ёрдамида саёҳат қилишга одатланган. Бугунги кунда у кишини юртимизнинг барча минтақаларида яхши танишади. 2018 йилда республикада биринчи бўлиб “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида мамлакат ҳудудини велесипедда кезиб чиққани учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ишончнома ҳамда сертификат билан муносиб тақдирланганди.

Ўтган ҳафта Муҳаммад ота навбатдаги саёҳатга чиқди ва Фарғона водийсига етиб келиб, Наманганда бўлди. Гуллар шаҳрида уни вилоят Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ходимлари кутиб олишди. Мезбонлар саёҳатчи оқсоқол учун диққатга сазовор жойлар бўйлаб сайр уюштирди.

– Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим, – дейди Муҳаммад ота Қудратов.

Велосаёҳатчи отахоннинг издошлари кўпайиб бораётгани ҳам эътиборга лойиқ. Бир неча кун аввал Норин тумани ёшларидан уч киши мамлакат бўйлаб йўлга чиқиб, улар бир ҳафта мобайнида вилоятнинг барча туманларини айланиб чиқишга улгуришди. Эндиги навбат — Андижон ва Фарғона вилоятларига. Сўнгра Тошкент вилояти ва пойтахт сари сафар қилишни режалаштиришган.

Норинлик велосипедчилар кунига ўртача етмиш километрдан йўл босиб, манзил сари дадил интилишмоқда. Бу билан соғлом турмуш тарзи ва туризм тарғиботига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Фарғонадан дараклар

## Кексаларнинг қувончи чексиз

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бувайда тумани марказида 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига “Нуронийлар” масканининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эндиликда ушбу бино нуроний отахонлар иштирокида турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиладиган, гурунглашадиган, ибратли оилалар соҳиблари иштирокидаги маросимлар масканига айланди.

Бинода тиббиёт ҳамда соғломлаштириш хоналари, адабий-бадиий китоблар фондидан ташкил топган мўъжазгина кутубхона ҳам мавжуд. Турли хил анвойи гуллар экилган маскан ҳовлисига эса сўрилар қўйилган.

## Муҳтожларга имтиёзли уй-жой

Олтиариқ туманида истиқомат қилувчи 25 нафар ногиронлиги бор фуқаролар ва кам таъминланган ёлғиз оналарга янги, намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган арзон уй-жойларнинг калитлари топширилди.

Хонадон эгаларига дастлабки маблағлар хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан тўлаб берилди.

## Жажжиларга қувонч улашилди

Олтиариқ туманидаги Навоий номли МФЙда жойлашган 37-сонли МТТ учун 90 ўринли янги типдаги замонавий, барча шароитлари яратилган контейнер гуруҳлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу гуруҳларнинг қурилиши учун 486 миллион сўм маблағ сарфланди.

“Зилха” МФЙда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари учун давлат бюджетидан 2 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилиб, 150 ўринли замонавий МТТ фойдаланишга топширилди.

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Апрель ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бош инспектори **Фарход Мелиходжаев,**

Навоий вилояти, Томди тумани қурилиш бўлими мутахассис-архитектори **Абдулатиф Ялғашев,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси лаборанти **Зокиржон Икрамов,**

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Изатулло Мустафоев,** Қурилиш бош бошқармаси Архитектура-режалаштириш бюроси УК қоровули **Низомиддин Бобоев,**

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Аббос Зиёев,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сурхондарё вилояти филиали кадрлар бўйича инспектор **Дилноза Алламуродова,** етакчи мутахассиси **Баходир Соатмуродов,**

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси юрисконсульти **Аслиддин Авезов,** Бекобод тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектори **Нодиржон Ортиқов,**

Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Хамдамбек Тоиров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-443.
2649 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – И. Ибодулла.
ЎзА якуни – 23.00. Топширилди – 23.40. 1 2 3 4 5 6